

Равшан ҲАҚМУРОД

ДИЛДОРИМ



**«MERIYUS»
Тошкент - 2013**

УЎК: 821.512.133-1

ББК: 84 (5Ў)7 -

X-40

Узб. саб.

Ҳақмурод, Равшан

Дилдорим: шеърлар/ Р.Ҳақмурод. -

Тошкент: MERIYUS, 2013. - 60 б.

Равшан Ҳақмурод орзулар осмонини бўйлаётган дардларини қўшиқ қилиб куйлаётган ёш ижодкор. Ҳар сатри беихтиёр қўшиққа айланишининг ҳам боиси шундан бўлса керак.

Куида сизнинг ҳукмингизга ҳавола этилаётган шеърлари дарёдан бир томчи бўлса-да, мавжларида тиниқлик, жўшқинлик мужассам.

Биз ҳам ижоднинг машаққатли йўлларида унга сабот тилаймиз.

10 41329
0

ISBN 978-9943-395-83-1

© Равшан Ҳақмурод

© «MERIYUS» нашриёти

2013/83 Alisher Navoiy

nomidagi

6503 O'zbekiston MK

ОЛИБ КЕТАЙМИ?..

Олиб кетайми сени
Орзулар осмонига.
Қүёш ботмас, ой ботмас,
Бахт деган томонига.

Олиб кетайми сени?..
Ёмонлардан узоққа.
Кел йўлларни бошлиймиз,
Кўнгил ёққа, дил ёққа!..

Олиб кетайми сени
Булатлар орасига?
Кулоқ тутиб яшармиз
Кўнгилнинг ноласига.

Олиб кетайми сени
Оққушларга айланиб?..
Яшайсанми ўшанда,
Юрагимга бойланиб.

Олиб кетайми сени,
Мұҳаббатнинг боғига.
Юргин, бирга чиқармиз
Орзуларнинг тоғига.

Олиб кетайми сени,
Ўзингга ёр эт мени.
Хаёлимда яшайсан,
Севсам нетай бир сени.

АЛАМ БҮЛДИ

Аlam бўлди, алам бўлди,
Кўнгилнинг кўзи нам бўлди,
Аlam бўлди, алам бўлди,
Юрагим тўла ғам бўлди.

Дилда хижрон, кўксим қонар,
Ошиқ юрак дарддан ёнар,
Армонлардан жон ўртанар,
Аlam бўлди, алам бўлди.

Тунда келди ёр-ёр саси,
Саноқлидай ҳар нафасим,
Қобирғамдир дил қафасим,
Аlam бўлди, алам бўлди.

Орзуларим, севгим сарсон,
Ишқ гуллари энди хазон,
Муҳаббатим бўлди арzon,
Аlam бўлди, алам бўлди.

Ет қўйнида тўлин бўлган,
Ўзга уйга келин бўлган,
Дўсту душманларим кулган
Аlam бўлди, алам бўлди,

БАХТ БЕРГИН...

Бахтсизларга баҳт бергин Худо,
Шаҳдсизларга шаҳд бергин Худо.
Менинг сендан сўраганим шу,
Иймон деган таҳт бергин, Худо.

Одамни ҳам одамлар бузар,
Оламни ҳам одамлар бузар,
Ким бузади, ё кимлар тузар,
Яхшиларга ёр бўлгин, Худо.

Кўзи йўлда, тунлар ухламас,
Она кўрмай, кўнглин тўқламас,
Онасини бир бор йўқламас
Қалби кўрга меҳр бер Худо.

Юртда ҳаддинг баланд бўлади,
Билмаганлар афсус қиласи,
Ишқ дардини қайдан билади,
Ишқ деганда орни бер Худо.

* * *

Мұҳаммад Юсуфнинг бир гапи түғри,
Чиндан ҳам дунёда шоир кўп она.
Навоий битса ҳам, Бобур ёзса ҳам,
Дард дегани дилга эмас бегона.

Улар куйладилар юргнинг дардини,
Сафсата айтмади бизларга ўхшаб.
Ўзбек бўп билмасак ўзбек баҳтини,
Хўш нима топгаймиз дунёда яшаб.

КУЛГАНИНГДА...

Кулганингда лабинг тўсган қўлларингни,
Кутган билан келмайдиган йўлларингни,
Минг ўртаниб ўтда ёниб севган билан,
Ёғдирасан таъна отли дўлларингни.

Қачонлардир сенинг қалбинг забт этаман,
Севдиролсам бу дунёдан шод кетаман,
Кут дегин сен ўлгунимча мен кутаман,
Гуллар тўшаб, қалбим тўшаб йўлларингни.

Етолмайин фироғингда куяр бўлсам,
Бу дунёда танҳо сени суяр бўлсам,
Орзуладан хаваслардан сўйлар бўлсам,
Кел қўлимга бергин жоним қўлларингни.

ҚАШҚАДАРЁ

Буюк Темур юртисан,
Эй Қашқадарё!
Ўзбекистон кўркисан,
Эй Қашқадарё!

Фалла хирмонинг бир ён,
Пахта хирмонинг бир ён,
Заҳматкаш элинг бир ён,
Эй Қашқадарё!

Самимий ҳар одами,
Элда бўлмагай ками,
Яхшиларнинг ҳамдами,
Эй Қашқадарё!

Ёвқур сафда норинг бор,
Дилда номус оринг бор,
Айтсам дилда зоринг бор,
Эй Қашқадарё!

Тупроғингга босай лаб,
Дилга жойлаб авайлаб,
Куйга солдим атайлаб,
Эй Қашқадарё!

БИЗ ЎЗБЕК ФАРЗАНДИМИЗ

Ҳақ сўзни сўйлаш керак,
Ватанин куйлаш керак,
Эртани ўйлаш керак
Биз ўзбек фарзандимиз.

Сахиilikda серҳиммат,
Юртга қилайлик хизмат.
Тинчлик бу улуғ неъмат
Биз ўзбек фарзандимиз.

Азиз ватан тупроғи,
Табаррук гул япроғи.
Баланд бўлсин байроғи,
Биз ўзбек фарзандимиз.

Ёшлил аҳил бўлайлик,
Юксалишни ўйлайлик,
Хур ватанин куйлайлик,
Биз ўзбек фарзандимиз.



БИР ШЕТЬР ЁЗАМАН...

Бир куни шундайин бир шеър ёзаман,
Ошиқлар дардига бўлади даво.
Айрилик ва хижрон қасрин бузаман,
Гўёки қайтадан яралар дунё.

Бир куни шундайин бир шеър ёзаман,
Ўқиган ҳар одам дардин унутар.
Мен бахтли бўламан, буни сезаман,
Хижроннинг сиртмоғи мени тарк этар.

Бир куни шундайин бир шеър ёзаман,
Балки шу ўй билан яшайман буткул.
Балки фалсафани тушунмасдирман,
Аммо мен ваъдамни уйлайман нуқул.



СИЗНИ СЕВИБ...

Кўзларингиз қораси,
Менинг кўнглим пораси,
Йўқми бирор чораси,
Сизни севиб қолганман.

Ишқ шаробидан ичиб,
Софинч азобин қучиб,
Ҳатто ўзимдан кечиб,
Сизни севиб қолганман.

Икки қаро қўзимни,
Адо қилдим ўзимни,
Эшитинг дил сўзимни,
Сизни севиб қолганман.

Йўллар кутиб толганман,
Ошиқ номин олганман,
Бўлганимча бўлганман,
Сизни севиб қолганман.

Дийдор онини чўзманг,
Бекор қўнглимни бузманг,
Равшанинг дилин эзманг,
Сизни севиб қолганман.

* * *

Ёмонларнинг ошиғи олчи,
Сувдан қуруқ чиқар ёлғончи,
Нокас дейди, тани, фалончи,
Яхшиларнинг бошида кулфат.

Кўзларини кўкка қадолмас,
Улар одамларни алдолмас,
Душманни ҳам ёмон атолмас,
Яхшиларнинг бошида кулфат.

Дунёнинг бор жабрига кўнар,
Абр қилиб сабрига кўнар,
Яхшилиги азобга дўнар,
Яхшиларнинг бошида кулфат.

Баъзилар бор, дўстдан тонади,
Шайтон шаробидан қонади,
Ўзгалар дардиди ёнади,
Яхшиларнинг бошида кулфат.



СЕВИБ БАХТЛИ БҮЛГАНЛАР БОРМИ?..

Йиғламайин кулганлар борми?
Бахт тоқида түлгандар борми?
Бормай ҳижрон остонасига,
Севиб баҳтли бүлгандар борми?

Сулув соchlар бүйнимга дорми?
Ошиқ экан дунёning ярми,
Айтинг менга, Лайли Мажнунлар
Севиб баҳтли бүлгандар борми?

Мен-ку ундан баҳтим топмадим,
Эшигимни унга ёпмадим,
Келмагандир балки омадим,
Севиб баҳтли бүлгандар борми?

Энди ёрим ўзгага ёрми?
Мұҳаббатим күнгилда хорми,
Севмайман де, боқ, унут Равшан,
Севиб баҳтли бүлгандар борми?



ҚОРА КҮЗЛАР

Қора күзлар ётга сузилди,
Менинг юрак бағрим эзилди,
Энди менга хаёт жаҳаннам,
Мұхаббатнинг қасри бузилди,
Сенсизликда жоним узилди.

Чимилдиққа кирасан бугун,
Саволар күп жавосиз тутун,
Дод соламан лек чиқмайди ун,
Мұхаббатнинг қасри бузилди,
Сенсизликда жоним узилди.

Үйин кулгу бошланди базм,
Сен келинсан, қиласан таъзим,
Бахтингни топ хайр, азизим,
Мұхаббатнинг қасри бузилди,
Сенсизликда жоним узилди.


Ёр-ёрлардан титрар түйхона,
Менинг күнгілім әса ғамхона,
Менга далда берманг, жон она,
Қора күзлар ётга сузилди,
Мұхаббатнинг қасри буэилди.

* * *

Дил берганим кулфатим бўлди,
Армон менинг улфатим бўлди.
Дилдор келин бўлаётганда,
Хижрон менинг қисмаим бўлди.

Савдолардан оғрийди бошим,
Борган сари тугар бардошим,
Кумга ботди умид қуёшим,
Жон севгилим бегона бўлди.

Тушларимга кирмагин энди,
Кўрсанг ўйчан турмагин энди,
Холимни ҳам сўрмагин энди,
Дил берганинг девона булди.



ҚҮРҚАМАН

Қордай ишқнинг уволидан қўрқаман,
Мұҳаббатнинг заволидан қўрқаман,
Сенсиз кунда сенсиз оним ўтмайди,
Айрилиқнинг хаёлидан қўрқаман.

Икки дилни айришдан қўрқаман,
Ишқ йўида тойрилишдан қўрқаман,
Нега етдим, нени тутдим билмадим,
Гулим сендан айрилишдан қўқаман.

Кутмаганда келса ғамнинг савдоси,
Бошгинамга тушса фийбат балоси,
Сенға етармикан кўнгил ноласи,
Айрилиқнинг ғавғосидан қўрқаман.

Ишқ қадрини севган ошиқ дил билар,
Эрк қадрини тутқунликда қул билар,
Сабринг мудом садоқатга йўл бўлар,
Хиёнатнинг саҳросидан қўрқаман.



ҚОШИ ҚАРО

Қоши қаро эй гүзал,
Қалби яро эй гүзал,
Йүқдир чора эй гүзал,
Ёнимдамас, ёдимда,
Яшайсан ҳаёлимда.

Сен мендан узоқдасан,
Құл етмас йироқдасан,
Йиғлайсан, қийноқдасан,
Ёнимдамас, ёдимда,
Яшайсан ҳаёлимда.

Ет уйда келиндирсан,
Ойдайин түлиндирсан,
Севганим ўзингдирсан,
Ёнимдамас, ёдимда,
Яшайсан ҳаёлимда.

Ой ҳам сендеқ сузилмас,
Фам кулбаси бузилмас,
Сендан күнглим узилмас,
Ёнимдамас, ёдимда,
Яшайсан ҳаёлимда.

Равшан сендан розидир,
Хижрон унинг созидир,
Ишқقا Амон қозидир,
Ёнимдамас, ёдимда,
Яшайсан ҳаёлимда.


АФСУС

Хазонлардай тўкилдим,
Муҳаббатга тикилдим,
Ишқ йўлида йиқилдим,
Афсус!..

Юракда ўтли нидо,
Севги деб умрим фидо,
Мени унут, алвидо,
Афсус!..

Гул шоҳидай қайрилдим,
Тўғри йўлдан тойрилдим,
Бугун сендан айрилдим,
Афсус!..

Йигладим, кулолмадим,
Ёнида бўлолмадим,
Ё ўлиб ўлолмадим,
Афсус!..



Ишқнинг либосин ечдим,
Бутун дунёдан кечдим,
Шамдайин осон ўчдим,
Афсус!..

ТИЛЛО УЗУК

Тилло узук тақибсан,
Дилимга ўт ёқибсан,
Мен қолиб эй воҳ нетай,
Бировларга боқибсан.

Бойга тегиб бой бўлиб,
Осмондаги ой бўлиб,
Ёшим оқар сой бўлиб,
Тилло узук тақибсан,

Сифмай қолдим оламга,
Кўзларим тўлди намга,
Мени ташлаб аlamга,
Тилло узук тақибсан.

Дилда ёнар аланга,
Алланг кўчар нолангга,
Исмим қўйгин болангга,
Тилло узук тақибсан,
Илимга ўт ёқибсан.

ДҮСТЛИК ИШҚА АЙЛАНДИ

Меҳринг дилга жойланди,
Күнглим сенга бойланди,
Үзим ҳам билмай қолдим,
Дүстлик ишқа айланди.

Чин дилдан севиб қолдим,
Йўлингни кутиб толдим,
Үзим ҳам билмай қолдим,
Дүстлик ишқа айланди.

Юрак ақлдан тонар,
Қалбимда бир ўт ёнар,
Ўтмас бўлди бу онлар,
Дүстлик ишқа айланди.

Учрашдигу қўл бердик,
Кўнгилларга йўл бердик,
Илмай қолдик, дил бердик,
Дүстлик ишқа айланди.

Севиб bemадор бўлдик,
Хиёнатни ор билдик,
Охири иқрор бўлдик,
Дүстлик ишқа айланди.

ОНАМНИНГ НАСИҲАТИ

Ўғлим суюнчим деган,
Менинг ишончим деган,
Ночорга қўл бер деган
Онамнинг насиҳати.

Доим элга бўл ўрнак,
Бунга тоза дил керак,
Йиқилсам бўлар тиргак,
Онамнинг насиҳати.

Ўҳшама ҳеч нокасга,
Суянмагин бир хасга,
Таклар мени ростга,
Онамнинг насиҳати.

Кўмаганим кўр дейди,
Менинг ғамимни ейди,
Иймон сари бошлайди,
Онамнинг насиҳати.

Равшанинг асл баҳти,
Шундан шиддати шаҳди,
Кўнглига соглан аҳди,
Онамнинг насиҳати.

АЛАМ...

Армон қўлимни тутди,
Ёрим ўзгани кутди,
Айрилиқ жондан ўтди
Шуниси алам...

Муҳаббатда не гуноҳ?..
У ҳам йиғлаб чекар оҳ,
Чин дўстларим қазди чоҳ
Шуниси алам...

Дабдабали ката тўй,
Армон қўкка чўзар бўй,
Ё-ёр янграр, янграр куй,
Шуниси алам...

Бахтингни топ, бахтингни,
Бой bemагин тахтингни,
Сен унугдинг аҳдингни
Шуниси алам...

Бу тун бунча чўзилди?
Кўзимда ёш тизилди,
Ишқ риштаси узилди
Шуниси алам...


БИЛМАГАНДИМ

Суишимни билмагандим,
Куишимни билмагандим,
Ҳижронларнинг азобини,
Туйишимни билмагандим.

Билмагандим ишқ ўтида,
Тунлар ёлғиз ёнишимни.
Билмагандим сени севиб,
Бу дунёдан тонишимни.

Ўзга ёрнинг қучогига,
Тўлишингни билмагандим.
Аҳдинг бузиб ўзгага ёр
Бўлишингни билмагандим.

Балки мендан ўтди хато,
Ҳатто хаёл қилмагандим.
Сен ҳа мени ўзимдайин
Севишингни билмагандим.



КЕЛИН БҮЛДИ СЕВГИЛИМ

Ғам-ғүссага ботаман,
Үзимни йүқтаман,
Дийдамдек тош қотаман,
Келин бүлди севгилим.

Сурнай йиғлар дилимда,
Гулим қолди құлимда,
Шу сүз бутун тилимда,
Келин бүлди севгилим.

Үйин-кулгу бошланди,
Менинг күзим ёшланди,
Дилга соя ташланди,
Келин бүлди севгилим.

Сиз билмайсиз онажон,
Юрак бағрим бүлди қон,
Дилим бүлди қаҳратон,
Келин бүлди севгилим.

Олтин экан остона,
Кулиб-кулиб мастана,
Этиб мени девона,
Келин бүлди севгилим.


МУҲАББАТ

Дунёнинг бор жабрига,
Кўнар эдим майлига.
Қандай яхши бўларди,
Мажнун етса Лайлига.

Шириндан айро Фарход,
Кўксига алам хайҳот.
Ишқи унинг чўқмори,
Тошлилар қилдилар фарёд.

Сувларда оқиб Тохир,
Ишқин айлади зоҳир,
Сандиққа сифмас ишқни,
Дилга жойламоқ оғир.

Улар ишқи боқийдир,
Дард кўнгилга соқийдир,
Мен ҳам севдим нетайин,
Дард чекканлар ўқийдир.



МАЖНУН БҮЛДИМ

Мажнун бўлдим, Мажнун бўлдим,
Мафтун бўлдим, мафтун бўлдим.
Сени ўйлаб гўзал ёrim,
Маҳзун бўлдим, маҳзун бўлдим.

Ўзим дилга солдим кишан,
Севгим чиндан эши ишон,
Кўнгил бериб чекдим азоб,
Маҳкум бўдим, маҳкум бўлдим.

Нетай ёrim Мажнун бўлдим...

ЙИГЛАМА ЮРАК

Дониш эли шундай деган,
Дунё ўзи бир кам экан,
Гул бор жойда бордир тикан,
Йиглама юрак, йиглама.

Бағр қоним гулоб бўлди,
Кўзда ёшим кўлоб бўлди,
Кийганинг ол кимхоб бўлди,
Йиглама юрак, йиглама.

Бевафога ўтингмагин,
Етар энди, ўкинмагин,
Бағр қонингни сунмагин,
Йиғлама юрак, йиғлама.

Дил қўшиққа сиғмайди,
Еру осмон йиғлайди,
Ким ҳам кўнглин тиғлайди,
Йиғлама юрак, йиғлама.

СОВЧИЛАР

Тилло узук берган совчилар,
Қошлинигни терган совчилар,
Моҳир экан мерган совчилар,
Остонангга келган совчилар.

Сенга сирли-сирли қарашиб,
Сунбул соchlарингни тарашиб,
Сарполаринг тураг ярашиб,
Остонангга келган совчилар,
Кўнглимни ер қилган овчилар.

Дил эзилар, қийналар юрак,
Оҳларимдан ўрганаар юрак,
Кўзларингни ёшлама малак,

Остонангга келди совчилар,
Кўнглимни ер қилган овчилар.

Мактубларинг ўқийман ҳар тун,
Гоҳ куламан, гоҳо бағрим хун,
Дунёда бахт йўқдир мен учун,
Остонангга келмиш совчилар,
Кўнглимни ер қилган овчилар.

ЁЛҒИЗИМ СЕНСИЗ

Зулмат бўлди бу дунё,
Кулфат бўлди бу дунё,
Фурбат бўлди бу дунё,
Ёлғизим сенсиз...

Ёндим кеча-кундуз ман,
Қирғози йўқ денгизман,
Осмони йўқ юлдузман,
Ёлғизим сенсиз...

Дил ақлга берма сён,
Яшолмам сенсиз инон,
Юрак армонларга кон,
Ёлғизим сенсиз...

Оромим йўқ тонггача,
Ўзимдан тондим неча,
Файзсиз қолди тор кўча,
Ёлғизим сенсиз...

Ким ҳолим кўриб кулди,
Кимлардир бағрин тилди,
Куним зим-зиё бўлди,
Ёлғизим сенсиз...

ЎЛДИРИБ, ЎЛДИРИБ...

Эй севги муҳаббат ёмон экансан,
Аlamга бошладинг, дардга ташладинг.
Бахт деб излагандим, армон экансан,
Кулдириб кулдириб кўзим ёшладинг.

Мен энди тушундим, ёлғон экансан,
Мен энди тушундим, армон экансан.
Эх ёмон экансан, ёмон экансан,
Кулдириб, куйдириб ўтга ташладинг.

Тунлари ўйлардим, ақлим олгандинг,
Тебадек севардим бахтим бўлгандинг,
Қалбимга муҳаббат, орзу солгандинг,
Суидириб суйдириб қайга бошладинг?..

Эй севги муҳаббат ёмон экансан...

ҲАММА ФАҚАТ ЎЗИН ЎЙЛАЙДИ

Дўстлар дўстин кўзин пойлайди,
Гапиртирсанг ҳакдан сўйлайди,
Ватан, ватан дейди-ю аммо,
Лекин юртнинг қадрин билмайди.

Баландпарвоз гапларни тўқир,
Қарғадайин кўзингни чўқир,
Иймонсизлар қалб кўзи сўқир,
Доимо бир ўзин ўйлайди.

Тўғри аммо яхшилар ҳам бор,
Меҳнат билан тебратар рўзгор,
Баъзилар-чи билмас номус-ор,
Ҳатто виждонини пуллайди.

Эй ошиқлар қалби яролар,
Сизлар борсиз, ишқ бор, наво бор,
Ўткинчидир кибру ҳаволар,
Кимдир тулкидайин туллайди.

Тингламайди ота ноласин,
Зорлатади гоҳо онасин,
Етим қиласар ҳатто боласин,
Бир бевафо ёрни ўйлайди.


СЕВГИЛИМ

Бутун умр ёндим ишқингда,
Ўзимдан ҳам тондим ишқингда,
Ҳижронларда қолдим ишқингда
Севгилим...

Ҳаёлларим тўэфир ҳар томон,
Нишони йўқ отилган камон,
Сенсиз менга бу дунё армон
Севгилим...

Ёр-ёр куйи дардли бир наво,
Дунёда йўқ дардимга даво,
Бу ҳам камдай қиласлар ифво
Севгилим...

Тақдир экан йўлимиз бўлак,
Армон бўлди орзу-ю тилак,
Исминг айтиб яшайди юрак
Севгилим...



ДУНЁДА БИР...

Дунёда бир роҳат бор,
У фарзанднинг камоли.
Дунёда бир оғат бор,
У умрнинг заволи.

Дунёда бир қувонч бор,
У онангнинг борлиги.
Дунёда бир суюнч бор,
У отангнинг борлиги.

Дунёда бир роҳат бор,
У танингнинг соғлиги.
Дунёда бир омад бор,
У жонингнинг борлиги.

Дунёда бир ҳикмат бор,
У сенга Ҳақдан ато.
Дунёда бир ҳикмат бор,
Англаб ол қилма хато.

Дунёда бир соғинч бор,
Дунёда бир ўқинч бор,
Дунёда бир ўтинч бор,
У ёрингнинг жамоли.


ЯЛПИЗНИ СЕВАМАН

Кўзимни ёшлатиб кетди ул дилдор,
Айтсам адоги йўқ аламларим бор,
Ҳеч кимга ҳеч қачон бермайман озор,
Хуш исли ялпизни севаман энди,

Сув эмас, пойида кўз ёш оқади,
Икки қирғоқ аро маҳзун боқади,
Ифорлари бирам дилга ёқади,
Хуш исли ялпизни севаман энди,

У мени алдамас, сўзида турар,
Тонглари кўз ёши кўзида турар,
У ариқ ёқалаб менга югураг,
Хуш исли ялпизни севаман энди,

Бир қизни севдим-у дилимда озор,
Шу-шу қиз зотидан юрагим безор,
Ишқ менинг кўнглимни айлади bemor,
Хуш исли ялпизни севаман энди,



ЛОЛАЖОН

Ўзинг лола, исминг ҳам лола,
Сенга ошиқ мен телба бола,
Қизғалдоққа тұқаман жола,
Сени ўйлаб ўртанади жон,
Хайр энди, хайр Лолажон.

Атиргулдан оламан бўса,
Билмайман не гуноҳим бўлса,
Қандай яшай севгимиз ўлса,
Сени ўйлаб ўртанади жон,
Хайр энди, хайр Лолажон.

Қошинг камон, кўзларинг оху,
Ойдан тиниқ юзингда ёғду,
Холим хароб, кетганинг қайгу,
Сени ўйлаб ўртанади жон,
Хайр энди, хайр Лолажон.



ОТАМНИНГ НАСИҲАТИ

Отамнинг насиҳати,
Юрагимнинг зийнати,
Тиллога тенг қиймати,
Отамнинг насиҳати.

Бошқарар тўғри йўлга,
Яхшилик солар дилга,
Хизмат қил дейди элга,
Отамнинг насиҳати.

Беозор ва ҳокисор,
Уйғотади дилда ор,
Ҳеч кимга қилмайди хор,
Отамнинг насиҳати.

Суянгани суянчим,
Йиқилганда таянчим,
Дилимдаги ишончим
Отамнинг насиҳати.



КИМ ЙИГЛАСИН

Чин дўстларим сотиб кетди,
 Мен йигламай Ким йигласин.
 Армон дилга ботиб кетди,
 Мен йигламай ким йигласин.

Кеча менга бўлган улфат,
 Тушганида бошга кулфат,
 Сотиб кетди дўстлар жайҳот!
 Мен йигламай ким йигласин.

Омад мендан кечганида,
 Юрак оғу ичганида,
 Ҳижрон мени қучганида,
 Мен йигламай ким йигласин.

Нетай сабрим йитиб кетди,
 Азоб жондан ўтиб кетди,
 Чин дўстларим сотиб кетди,
 Мен йигламай ким йигласин...



МУҲАББАТГА КУЙИНГЛАР

Дардга эшик очилса,
Келиб дилга санчилса,
Бевафонинг пойида,
Менинг дилим янчилса.
Фавғоларни қўйинглар,
Муҳаббатга куйинглар.

Гар севги армон бўлса,
Ҳажрида ошиқ ўлса,
Бевафо машуқ эса
Ўзга бағрида кулса,
Дил макрини туйинглар,
Муҳаббатга куйинглар.

Қордайин пок туйгуни,
Кўздан олган уйқуни,
Бўсалар билан тутди,
Лабидаги оғунию
Шунда ҳам рост сўйинглар,
Муҳаббатга куйинглар.

Кимдир бир меҳрга зор,
Кимдир уни қиласар хор,
Дардга тўлган кунимда
Мени ташлаб кетди ёр,
Ишқ майига тўйинглар,
Муҳаббатга куйинглар.

ЁР КЕТДИ

Үлан, үлан жон үлан,
Ёр кетди кимлар билан,
Аlam тұлды қалбимга,
Йиғладим армон билан.

Күшлар учар осмонда,
Сарсонман түрт томонда,
Умрим ўтар ҳижронда,
Ёр кетди кимлар билан?

Бұлдим ўзимдан жудо,
Үзинг айт менга Худо,
Севги деб умрим фидо,
Ёр кетди кимлар билан?

Қорақош гүзал санам,
Қошларинг мисли қалам,
Севганим қилас алам,
Ёр кетди кимлар билан?

Күзёшин түкар булут,
Қалбим севгига тобут,
Равшан қиёматни кут,
Ёр кетди кимлар билан?

ТАЪРИФ

Кимга севги эрмакдир,
Кимга севги эртакдир,
Севгини йўқ деганлар,
Билингки тош юракдир.

Кимга севги армондир,
Кимга севги ёлғондир,
Бу беш кунлик дунёда,
Бахт деганинг гумондир.

Кимга севги азобдир,
Кимга севги шаробдир,
Ким ёридан айрилса,
Унинг ҳоли харобдир.

Кимга севги баҳт берар,
Кимга севги шаҳд берар,
Равшан уни авайла,
У кўнгилдан таҳт берар.



ЁЛФИЗЛИКДА...

Тавба қилдим, кечиргин Оллоҳ,
Билмай күплаб хатолар қилдим.
Рұхим титраб чекканида ох,
Ёлғизлиқда азоб не билдим.

Тавба қилдим, кечиргин Оллоҳ,
Faфлат томон юзим бурибман.
Сендан үзга йўқ экан илоҳ,
Сенга такбир айтиб турибман.

Тавба қилдим кечиргин Оллоҳ,
Йўл бошида адашдим афсус.
Ҳақни таниб йиғладим эй воҳ,
Гул фаслимни эгаллади куз.

Тавба қилдим, кечиргин Оллоҳ,
Пушаймонман энди барига.
Мен үзимга эканман душман,
Яролмадим дўстнинг корига.



БИЛДИМ УМР ҚАДРИНИ

Дўстдан айрилиб билдим,
Жон дўстимнинг қадрини.
Мусоғир бўлиб билдим,
Қон қариндош қадрини.

Эслаб отам сўзини,
Оқлаб нону тузини.
Ёруғ қилиб юзини,
Билдим отам қадрини.

Онамдан йироқларда,
Жонгинам қийноқларда,
Қолдим гоҳ титроқларда,
Билдим онам қадрини.

Ёшлигим ташлаб кетди,
Кексалик ошла кетди.
Ёқамдан ушлаб кетди,
Билдим умр қадрини.

Тинглаб Машраб дардини,
Англолмадим барини,
Ўқиб Бобур сатрини,
Билдим Ватан қадрини.

СИЗ ҲАМ...

Ёлғонларга йүйдингиз,
Ёмон алдаб қўйдингиз,
Ўйин билиб севгини
Сиз ҳам мени сўйдингиз.
Ишқ ўтида куйдингиз.

Қават-қават уйингиз,
Айтинг, кимда ўйингиз,
Етганида бўйингиз,
Сиз ҳам мени сўйдингиз,
Ишқ ўтида куйдингиз.

Туну кун пардоз қилиб,
Аввалига ноз қилиб,
Ногоҳонми ё билиб,
Сиз ҳам мени сўйдингиз,
Ишқ ўтида куйдингиз.

Дилда гулимсиз лолам,
Совчи бўлсинми онам,
Ахир севаман маннам,
Сиз ҳам мени сўйдингиз,
Ишқ ўтида куйдингиз.

Чиройлисиз бунчалар,
Гул очади фунчалар,
Дил иқори куй чалар,
Сиз ҳам мени сүйдингиз,
Ишқ ўтида куйдингиз.

СЕНИ ЎЙЛАБ ЯШАЙМАН

Баҳор, ёзу қишимда,
Ўнгимдамас, тушимда,
Хаёлимда, хушимда,
Сени ўйлаб яшайман,
Девонага ўхшайман.

Исминг такрорлар тилим,
Қайлардасан севгилим,
Мендан кетмагин гулим,
Сени ўйлаб яшайман,
Девонага ўхшайман.

Юрак ёниб севаман,
Ўздан тониб севаман,
Дил исёним сезаман,
Сени ўйлаб яшайман,
Девонага ўхшайман.

Армон дилни тиғлатди,
Мұхаббатни йиғлатди,
Тақдир бизни ажратди,
Сенсиз қандай яшайман?
Девонага ўхшайман.

СЕНМУСАН?..

Йўллар кутиб күз толган,
Жонга оловни солган,
Менинг хаёлим олган,
Сенмусан, ёрим сенму?..

Гапларимга ноз қилиб,
Туну кун пардоз қилиб,
Ёнимдан ўтган кулиб,
Сенмусан, ёрим сенму?..

Юраккинамдан урган,
Жилмайиб қараб турган,
Тунлар тушимга кирган,
Сенмусан, ёрим сенму?..

Софинчларни бўйлаган,
Кечалари ўйлаган,
Ишқ куйини куйлаган,
Сенмусан, ёрим сенму?..

Дарвозангга суюниб,
Бунча қочма уялиб,
Қўйсаммикан уйланиб,
Излаган ёрим сенму?...

ЁМФИР

Ёмфир ёғар кўқдан тинмайин,
Кўзёшимга парво қилмайин,
Энди кимга дардим айтайин,
Хайр энди алвидо гулим,
Биз бегона энди севгилим.

Қара, тинмай ёғмоқда майин,
Сендан кечиб кетмоқлик қийин,
Юрак санчар нолали куйин,
Хайр энди, алвидо, гулим,
Биз бегона энди севгилим.

Дил ёғмоқда қара осмондан,
Дарак берар гўё армондан,
Кеч, майли мен қадри арzonдан,
Хайр энди, алвидо гулим,
Биз бегона энди севгилим.

СЕНДАН КЕЧГИМ КЕЛМАЙДИ

Ох! Йиглайди юрагим,
Дилдан севган малагим,
Армон бўлди тилагим,
Сендан кечгим келмайди.

Майли гулдай сўлайин,
Исминг айтиб ўлайин,
Айтгин нима қилайин,
Сендан кечгим келмайди.

Сенсиз дунё татимас,
Дилдан азоб аrimас,
Хаста юрак розимас,
Сендан кечгим келмайди.

Бунча шафқатсиз ҳаёт,
Ундан айрилдим наҳот,
Бўғзимда алам ҳайҳот,
Сендан кечгим келмайди.

Нажот бергин эй Худо,
Бахтимдан бўлдим жудо,
Дейсан, унут алвидо!
Сендан кечгим келмайди.


КЕЛМА

Ишқ нима, орзу нима,
Мұхаббат қайғу нима,
Агар менсиз яшолсанг,
Келмасанг майли келма.

Баҳоналар түқима,
Ёлғонларни ўқима,
Бир кун ўзинг ўқинма,
Келмасанг майли келма.

Севгим сенга күзтумор,
Ёр уйига тақиб бор,
Майли, унутиб юбор,
Келмасанг майли келма.

Хаёлингдан ўчиргин,
Ёлвораман, кечиргин,
Дилга қасам ичиргин,
Келмасанг майли келма.




ЧАРЧАДИМ...

Дард аламга тўлишдан,
Очилмайин сўлишдан,
Кунда минг бор ўлишдан
Чарчадим...

Сохта калом юзлардан,
Қаҳратон қиши, музлардан,
Эрта келган кузлардан
Чарчадим...

Доим бағрим юлишдан,
Оёқ ости бўлишдан,
Ичдан йиглаб кулишдан,
Чарчадим...

Дардим ичга ютишдан,
Бахтсиз йиглаб ўтишдан,
Ниманидир кутишдан,
Чарчадим...



ДИЛДОР

Ёр-ёр, ўлан айтар янгалар,
Ёр бошидан сочар тангалар,
Аламли куй бағрим чангаллар,
Келин бўлди севганим Дилдор.

Саволимга жавоб бер, эй тун,
Энди отим бўларми Мажнун,
Айбим нима, айтгин не учун,
Келин бўлди севганим Дилдор.

Дилда қолди мангу бита доғ,
Қулаб тушди ишонч номли тоғ,
Усиз қандай яшайман Оллоҳ,
Келин бўлди севганим Дилдор.

Келолмайман энди хушимга,
Кирмай қўйди ҳатто тушимга,
Ҳеч ким парво қилмас ёшимга,
Келин бўлди севганим Дилдор.




ОҚҚУШЛАР

Баҳоримда қишлиди қишлар,
Армон гүё қўксимни муштлар,
Ишқ деганим зимиston тушлар,
Мени олиб кетинг оққушлар.

Сиғмай қолдим еру осмонга,
Бошим урай қайси томонга,
Кўнглим бериб қўйдим гумонга,
Мени олиб кетинг оққушлар.

Бевафони суйганим қолди,
Ҳаловати буткул йўқолди,
Ишқ бошимга савдолар солди,
Мени олиб кетинг оққушлар.

Оқ либосда кетмоқда ёrim,
Бир бор тинглаб кетмади зорим,
Кўксим тиғлар ишқим, озорим,
Мени олиб кетинг оққушлар.



ЙИГЛАЙДИ ОНАМ

Армон бағримни тилса,
Дустим устимдан кулса,
Дил берганим ёт бўлса,
Йиглайди жоним онам.

Сўнса умид қуёшим,
Фамдан эгилса бошим,
Кўздан оққанда ёшим,
Йиглайди жоним онам.

Кўлдан кетса давлатим,
Суянганим савлатим,
Ёлғизим, фаниматим,
Йиглайди жоним онам.

Нима ҳам кўрдим суйиб,
Қолсам дунёдан тўйиб,
Мен учун бағри куйиб,
Йиглайди жоним онам.

Ёрим чиқса бевафо,
Жоним чекканда жафо,
Яхшилик кўриб раво,
Йиглайди жоним онам.

ОНАЖОН

Кўп адашдим онажон,
Номардларни дўст билиб.
Фамга тўлади бағрим,
Гоҳ йиглайман, гоҳ кулиб.

Йигирмадан утдиму
Ёшлик мени тарқ этди.
Ишқ деб оғу ютдиму,
Армонларга ғарқ этди.

Оҳ онажон қайдасиз?..
Қайда қолди ёшлигим.
Кўз ёшингиз фойдасиз,
Биласиз бебошлигим.

Не қилайн бу юрак,
Беизн йўл бошлайди.
Менинг дардим онажон,
Кўзингизни ёшлайди.



АЙРИЛИҚ

Ёлғизлиқка кўндиридинг,
Орзу гулим сўндиридинг,
Сен қотилсан айрилиқ,
Муҳаббатни ўлдиридинг.

Ошиқ кўзин ёш қилдинг,
Юрагимни тош қилдинг,
Орзу қолди қафасда,
Хижронни бебош қилдинг.

Айрилиқнинг жабри кўп,
Эвоҳ, бунча сабри кўп,
Кечар умрим талотўп,
Ишончимни сўлдиридинг.

ҲАЛОЛ ЯША...

Инсон қилмишидан фалак бўлди лол,
Виждонингни сотиб топма ҳаром мол,
Дилингга эзгулик - яхшиликлар сол,
Дунёга келдингми яшагин ҳалол.

Бир бурда нонингни қилмагин миннат,
Хотам бўлмасанг ҳам айлагин ҳиммат,
Диёнат йўлининг охири жаннат,
Дунёга келдингми яшагин ҳалол.

Етимлар ҳаққини емагин зинҳор,
Иймон йўлин танла, ҳали имкон бор,
Бир кун ўз-ўзингни этмагин инкор,
Дунёга келдингми яшагин ҳалол.

Отангни, онангни билмагин малол,
Бир куни ўтарсан, юракларда қол,
Ширин жон бўлолмас, топганинг увол,
Дунёга келдингми яшагин ҳалол.

ЧИМИЛДИҚҚА КИРДИНГИЗМУ?..

Сим-сим йифлаб чимилдиққа кирдингизму,
Бир йил ўтиб ўғил фарзанд қўрдингизму?
Доимгидай айтиб юрай исмини деб,
Ўғлингизга менинг исмим қўйдингизму?

Тун кечалар мени эслаб куйдингизму,
Ҳижронларнинг азобини туйдингизму,
Ёлғон туйғу, кулгулардан тўйдингизму,
Ўғлингизга менинг исмим қўйдингизму?

Ишқ оғусин ичган эдим, муҳаббат деб,
Дил қайғусин қучган эдим муҳаббат деб,
Дунёлардан кечган эдим муҳаббат деб,
Ўғлингизга менинг исмим қўйдингизму?


ЧИМИЛДИҚДА ЖОНИМ ЙИҒЛАМА

Остонага бош уриб бориб,
Үзга ёрга күнглингни бериб,
Айтолмасанг күнглингни ёриб,
Чимилдиқда жоним йиғлама.

Оқ либосда куласан маюс,
Таъзим қилгин қилмагин афсус,
Энди мендан умидингни уз,
Чимилдиқда жоним йиғлама.

Оловларни айланиб ўтиб,
Янгаларинг қўлингдан тутиб,
Чимчилайди улар ҳам туртиб,
Чимилдиқда жоним йиғлама.

Ойналарда кўрганинг чиндир,
Дийдор отлиф бу шундай кундир,
Бас, чидагин, кўнглингни кўндингни
Чимилдиқда жоним йиғлама.




РАВШАНМАН

Кўкси тўла дард бўлса ҳам,
Кулиб турган Равшанман.
Фамдан адо бўлса ҳам,
Шодон юрган Равшанман.

Адолат излаб фақат,
Тополмаган ҳақиқат,
Кўргани азоб, кулфат,
Дарди дунё Равшанман.

Орзу гуллари сўлган,
Севгани келин бўлган,
Фамга мубтало бўлган,
Қалби вайрон Равшанман.

Дилдан шодон кулмаган,
Роҳат нима билмаган,
Бир ёруғлик кўрмаган,
Дарди дунё Равшанман.



МУСИЧА

Эй беозор қушча, мусича,
Қанотингга боғлагин мени.
Қайғуларим олиб кўнглимдан,
Сен англагин, ўйларман нени.

Учиб кетдинг, тутаолмадим,
Мақсадимга ета олмадим,
Одамлардан дўст тополмадим.
Безаволим, ўйлагин мени.

Осмонларга учгим келади,
Булутларни қучгим келади,
Билмам энди нима бўлади,
Кенгаймоқда тунларнинг эни.



МАЛИКАМ

Менинг ошиқ кўнглимни
бilsang эди маликам,
Кўлларингни қўлимга
берсанг эди маликам.

Севгимнинг қадрин билиб,
кўнглингни менга бериб,
Ёrim бўлиб бағримда
кулсанг эди маликам.

Тунлари бедор бўлиб,
ишқимда bemor бўлиб,
Севгингга иқрор бўлиб
келсанг эди маликам.

Бирга бўлиб иккимиз,
бахтни тутиб илкимиз,
Дил кўкида ҳилолдек
тўлсанг эди маликам.

Ўзимдан ҳам тонаман,
сенсиз мен девонаман,
Қандайин севишимни
билсанг эди маликам.

Кўпdir сенинг ошифинг,
 занжирланган эшигинг,
Равшанинг танҳо ёри
бўлсанг эди, Маликам.

Мундарижа

Олиб кетайми?	3
Алам бўлди	4
Бахт бергин	5
«Муҳаммад Юсуфнинг...»	6
Кулганингда	6
Қашқадарё	7
Биз ўзбек фарзандимиз	8
Бир шеър ёзаман	9
Сизни севиб	10
«Ёмонларнинг ошиғи...»	11
Севиб баҳти бўлганлар борми?	12
Қора қўзлар	13
«Дил берганим...»	14
Қўрқаман	15
Қоши қаро	16
Афсус	17
Тилло узук	18
Дўстлик ишқа айланди	19
Онамнинг насиҳати	20
Алам	21
Билмагандим	22
Келин бўлди севгилим	23
Муҳаббат	24
Мажнун бўлдим	25
Йиглама юрак	25
Совчилар	26
Ёлғизим сенсиз	27
Ўлдириб, ўлдириб	28

Ҳамма фақат ўзин ўйлайди.....	29
Севгилим.....	30
Дунёда бир.....	31
Ялпизни севаман.....	32
Лолажон.....	33
Отамнинг насиҳати.....	34
Ким йиғласин.....	35
Мұҳаббатга күйинглар.....	36
Ёр кетди.....	37
Таъриф.....	38
Ёлғизликда.....	39
Билдим умр қадрини.....	40
Сиз ҳам.....	41
Сени ўйлаб яшайман.....	42
Сенмусан?.....	43
Ёмғир.....	44
Сендан кечгим келмайди.....	45
Келма.....	46
Чарчадим.....	47
Дилдор.....	48
Оққушлар.....	49
Йиғлайди онам.....	50
Онажон.....	51
Айрилиқ.....	52
Ҳалол яша.....	53
Чимилдиққа кирдингизму?.....	53
Чимилдиқда жоним йиғлама.....	54
Равшанман.....	55
Мусича.....	56
Маликам.....	57

1500 с

Равшан ҲАҚМУРОД

ДИЛДОРИМ

Мұхаррір:
Дилором Тиркашова

Рассом:
Шуҳрат Мирфаёзов

Мусарриҳ:
Нилуфар Мавлонова

Компьютерда саҳифаловчи:
Гулшан Мавлонова

Нашр лиц. А1 № 104, 15.07.2008 йил. Теришга
23.04.2013 йилда берилди. Босишига 03.05.2013 йилда
рухсат этилди. Бичими: 70x90 $\frac{1}{16}$. Офсет босма усулида
чоп этилди. 7,5 босма табоқ. Адади 500 нусха.
Буюртма №80.

«MERIYUS» хусусий матбаа-нашриёт
корхонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, ген. Узоков кўчаси 2 «а» уй.
Тел.: 228-94-11